

NAV/B2BSME-  
19150883

4623209

W

**-СОН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИЛИШИ ТУҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахсир (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Навой ш.

2022 йил " 01 " Январ

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) номидан 2021 йил "30" декабрдаги 27-01-14/6032-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Навой филиали директори Джураев Ж.К. (кейинги ўринларда - Оператор) бир томондан ва "Навойўран" ДК номидан 11.01.2022 йилдаги 01-02-01/02/122-сонли ишончнома асосида иш юритувчи АТВАР бўйича директор Халиков И.К., (кейинги ўринларда - Абонент) томонлар (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши туғрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда -Шартнома) туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

1.1. Абонент ушбу шартномани имзолаб:

-Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш туғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши туғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу шартномани имзолаганидан сўнг, оператор абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, абонент, оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3. ҲИСОБ-КИТОБ ВА ТЎЛОВЛАР ТАРТИБИ

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 ( бир юз) фоиз миқдорда олдиндан тўланади, дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Шартноманинг умумий суммаси ушбу шартноманинг (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади ва (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 225 690 000 (икки юз йиғирма беш миллион олти юз тўқсон минг) сўмни ташкил этади. Шу жумладан 18 807 500 (ўн саккиз миллион саккиз юз етти минг беш юз) сўм миқдорда ойлик абонент тўлови.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календар ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойнанинг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда тўсиш учун ариза топшириши керак. Тўсиш тартиби Оферта қодалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат

Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар. Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календар ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календар ойда тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1(бир) календар ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача хал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали хал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали хал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида қўриб чиқилади.

#### 6. АЛОХИДА ШАРТЛАР

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрсаткичлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма электрон шаклда тақдим этилган ариза эътирознома шикоят тақтиф қўрилишидаги мурожаати қўпи билан 30 (уттиз) кун давомида қўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни қўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАРИ

7.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда, Томонлар, уларнинг манфаатдор шахслар, директорлар, мансабдор шахслар, ходимлар ёки бошқа вакиллар, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар пул тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар, ҳеч қандай пул маблағлари ёки кадрларни тўлашни қўмақлашмайдилар ва / ёки руҳсат бермайдилар, ҳар қандай шахсга ҳар қандай ноқонуний афзалликлар ёки бошқа ноқонуний мақсадларни қўлга киритиш учун уларнинг ҳаракатларига ёки қарорларига таъсир қилиш учун бевосита ёки билвосита қўмақлашмайдилар. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда, Томонлар, уларнинг манфаатдор шахслар, директорлар, мансабдор шахслар, ходимлар ёки бошқа вакиллар, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар Шартнома мақсадлари учун амал қиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ, масалан, пора бериш / олиш, тижорат пора бериш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузадиган ҳаракатларни бажармайдилар.

7.2. Агар Томон Шартноманинг ушбу бўлимининг ҳар қандай қоидалари бузилганлиги ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини, бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқланмагунча тўхтатиб туришга ҳақли. Бу тасдиқ ёзма хабар берилган кундан бошлаб 14 календар куни ичида юборилиши керак.

7.3. Агар Томонлардан бири ушбу бўлимда тақиқланган ҳаракатлардан тийилиш мажбуриятларини бузса ва / ёки бошқа Томон бузилиш Шартномада кўрсатилган муддатда содир бўлмаган ёки содир бўлмаслиги ҳақидаги тасдиқни олмаган бўлса, бошқа Томон битимни бекор қилиш тўғрисида ёзма хабар юбориш орқали Шартномани бир томонлама тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳуқуқига ега. Шартноманинг ушбу бўлими қоидаларига мувофиқ ташаббуси билан шартномани бекор қилинган томон бундай бекор қилиш натижасида юзага келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

#### 8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

8.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажарилишини давом эттирсин ва томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

8.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

8.2.2. Абонент томонидан ушбу шартноманинг имзоланиш - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

8.3 Ушбу шартнома, шу жумладан. Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) шартнома предмет юзасидан оператор ва абонент ўртасида тулик шартномани ташкил этади.

8.4 Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари. уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз қучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб. 10 (Ўн) календар кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

8.5 Ушбу шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

8.6 Ушбу Шартнома давлат тилида. 2 (икки) нусхала расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик қучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

### Оператор"

"Ўзбектелеком" АК Навоий филиали

Манзил: Навоий ш, Меъморлар 17а

х/р :20210000404074838382

В Навоий филиали АКБ "Алокабанк"

МФИ: 00401

СТИР: 203366731

ХХТУТ: 61100

Регистрация коди

НДС 326030013817



Ж.К. Джураев

### "Абонент"

Манзил: Навоий вил, Навоий ш, Инспекторлар кучаси-7уй

х/с: 2021 0000 9003 0562 3001

Навоий ш., ТИФ Узмиллий банк Навоий вил.

МФИ: 00196

СТИР: 201204514

ХХТУТ: 07210

Регистрация коди

НДС 312010081235



И.К. Халиков

*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]* 18.01.22 а.

Вам: Дураев Ғ. А *[Handwritten signature]*

**«Uztelecom» АК алоқа хизматларини 2022йил учун тулаш буйича маълумот**

**Кўрсатилаётган хизматлар**

**1. Хизматлар ва тарифлар рўйхати**

№	Хизмат номи	Асос	Мик-дори	Абонент тўлови	2022 йилга тўлов учун умумий микдори
1	2	3	4	5	6
<b>Навоий ДК бошқармаси</b>					
1	"Миллий" тариф режаси буйича 100 Мб/с тезлигида ТАС-1Х Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва 100 Мб/с тезлигида уланиш адрес: Ўзбекистон Республикаси.Навоий вилояти.Навоий шаҳри. ГМЗ биноси	Нархнома	1	4 500 000	54 000 000
2	Статик IP манзил	Нархнома	4	80 000	960 000
3	Маълумотларни узатиш тармоғига кириш учун VPN 2Мб/с Ўзбекистон Республикаси.Қашқадарё вилояти.Карши шаҳри Мустақиллик кўчаси-7.	Нархнома	1	97 500	1 170 000
			<b>Жами:</b>	4 677 500	56 130 000
<b>«Учкудук» ишлаб чиқариш майдони</b>					
1	'Миллий' тариф режаси буйича 100 Мб/с тезлигида ТАС-1Х Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва 100 Мб/с тезлигида уланиш адрес: Ўзбекистон Республикаси,Навоий вилояти.Навоий шаҳри.Учкудук тумани. СКИЧЦ (ЦПСК) биноси	Нархнома	1	4 500 000	54 000 000
			<b>Жами:</b>	4 500 000	54 000 000
<b>«Нуробод» ишлаб чиқариш майдони</b>					
1	'Миллий 'тариф режаси буйича 100 Мб/с тезлигида ТАС-1Х Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва 100 Мб/с тезлигида уланиш адрес: Ўзбекистон Республикаси.Самарканд вилояти.Нуробод шаҳри.Собирсой кони	Нархнома	1	4 500 000	54 000 000
			<b>Жами:</b>	4 500 000	54 000 000

**Зафаробод ишлаб чиқариш майдони**

2	TAS-IX (с/4 Мб) учун абонент тўлови да Ўзбекистон Республикаси.Навоий вилояти.Навоий шаҳри.Конимех тумани.Зафаробод шаҳарчаси Алока лабороторияси	Нархнома	1	180 000	2 160 000
3	"Миллий" тариф режаси буйича 10 Мб/с тезлигида TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва 100 Мб/с тезлигида уланиш адрес: Ўзбекистон Республикаси.Навоий вилояти.Зарафшон шаҳри. Суграли кони	Нархнома	1	450 000	5 400 000
4	"Миллий"тариф режаси буйича 100 Мб/с тезлигида TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва 100 Мб/с тезлигида уланиш адрес:Ўзбекистон Республикаси.Навоий вилояти.Навоий шаҳри.Конимех тумани.Зафаробод шаҳарчаси, Алока лабороторияси	Нархнома	1	4 500 000	54 000 000
<b>Жами:</b>				5 130 000	61 560 000
<b>Умумий харажатлар 2022 йил учун</b>				18 807 500	225 690 000

/ АКТМ бошлиги



С.Г.Ганиев

Баж: Нарзуллаев С.Н.  
 тел: 507 56 16  
 сот: 93 430 93 73

